

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“Иқтисодиётда ахборот тизимлари”

факультети

Рўйхатга олинди

№ _____

« _____ » _____ 2016 й.

“Касб таълими (иқтисодиёт)”

кафедраси

Рўйхатга олинди

№ _____

« _____ » _____ 2016 й.

**“КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ. ЎҚИТУВЧИНИНГ НУТҚ
МАДАНИЯТИ”**

фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг
Ўзбекистондаги хусусиятлари**

Илмий раҳбари: _____ Мамажонов И.Ғ _____

(лавозими, Ф.И.Ш)

Бажарди: _____ Хасанов Б. _____

(Курс, гуруҳ, Ф.И.Ш)

Комиссия аъзолари: 1. Ҳакимова М.Ғ. _____

2. Лутфуллаева Н.Х. _____

3. Мамажонов И.Ғ. _____

Ҳимоя натижаси: « _____ » балл

« _____ » _____ 2016й.

Тошкент – 2016

Мавзу: Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари

КИРИШ

1.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг иқтисодий мазмуни.

1.2. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

1.3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида кўп укладли иқтисодиётни вужудга келиши.

4. “Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари” мавзусини ўқитиш услубиёти.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, Президентимиз И.А.Каримов томонидан мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик ва аҳоли моддий фаровонлигини таъминлашнинг ягона ва ишончли йўли-бозор муносабатларига ўтиш йўналиши белгилаб берилди. Шахсан юртбошимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий стратегияси ва тамойиллари белгилаб берилиб, унинг “Ўзбек модели”га асос солинди. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” номли китобида қуйидаги “Бир сўз билан айтганда бугунги кунда “тараққиётнинг ўзбек модели” деб ном олган ривожланиш йўлимизнинг асосий принциплари, умуммиллий шиорга айланиб кетган “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”, “Мустақиллик – бу аввало ҳуқуқдир”, “Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг”, “Ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун”, “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди”, “Биздан озод ва обод ватан қолсин” каби машҳур иборалар сокин кабинетларда эмас, аксинча, ана шундай шиддатли курашлар, тинимсиз баҳс ва мунозаралар, аччиқ ҳаётий тажрибаларда туғилганини англашда ушбу китоб ғоят муҳим манба вазифасини бажаради”¹ деган иборалар келтирилган.

Босиб ўтилган тарихан қисқа давр мамлакатимиз раҳбарияти бошчилигида танланган тараққиёт йўлимизнинг тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ тан олиш керакки, бугунги кунда қўлга киритилаётган ютуқлар, ижобий ўзгаришларга ососликча эришилаётгани йўқ. Бунда миллий иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг илмий асосланган ва ҳар тамонлама ўйлаб чиқилган ислоҳотлар дастурини изчил амалга ошириш ўз натижаларини бермоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш ўта зиддиятли, мураккаб ва узоқ давом этувчи жараён ҳисобланади. Айниқса, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Кишиларнинг “ҳаёт фалсафасини”

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2012 йил, 11-12 бетлар.

ўзгартириш, уларнинг дунёкараши, тафаккурида туб ўзгаришлар ҳосил қилиш қийин кечади. Бунинг устига, малакатнинг иқтисодий негизида янги муносабатларни барпо этиш ҳам осон эмас”². Мазкур фикр-мулоҳазаларни давоми сифати қуйидагиларни ҳам таъкидлаш зарур: Шу маънода, Президентимизнинг яна бир фикри келтириш ўринлидир, “Энг муҳими, бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда”³ -деб таъкидланган эди Ислом Каримов.

Шунга кўра, бозор иқтисодиётига ўтиш махсус даврни тақозо этади. Бу давр иқтисодиёти ўзидаги ходиса ва жараёнларнинг амал қилиши, қонуниятларнинг хусусиятлари билан мустақил тизимлардан фарқ қилади.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг эволюцион, босқичма-босқич амалга оширилувчи йўлини танлади. Бу йўл мамлакатимизнинг ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятчилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтишдан иборатдир.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов: “Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтишдаги иқтисодиётни бирёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади”⁴, - деб таъкидлайди. Шунингдек, “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида мамлакатимиз раҳбари жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтишнинг ўз концепциясини таърифлаб берди.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.-Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й. 8-бет.

³ Ислом Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 1995. й. 7-бет

⁴ И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.:”Ўзбекистон”, 1998 й., 101-102 – бетлар.

Бугунги иқтисодийни модернизациялаш шароитида биз танлаган йўлимиз энг тўғри йўл эканлигини ҳаёт ўзи кўрсатмоқда. Жумладан, Президентимиз И.Каримов “Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда. Ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар тамонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беварорликнинг иқтисодийтимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берди”⁵

Шу билан бирга **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” маърузасида “Ўзбек модели”нинг асосий таркибий қисми бўлган “Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш” тамойилига асосланиб, 2014 йилда эришган ютуқларимиз хусусида Юртбошимиз қуйидагиларни таъкидлайди:** “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. -Т.: “Иқтисодиёт”, 2011 йил 22-бет.

Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир”⁶.

Бугунги кунда иқтисодиёт соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш тизими олдида янгидан-янги талабларни қўймоқда. Булардан бири-ҳозирги, бозор иқтисодиётига ўтиш даври ҳодиса ва жараёнларини теран англаш, уларнинг даврий хусусиятлари моҳиятини тушуниб етиш ва уларга онгли равишда муносабатда бўлиш, бу давр ривожланиш қонуният ва зиддиятларини очиқ беришга имкон яратувчи билимларга эга бўлиш ҳисобланади.

Курс ишининг мақсади - ўтиш даври иқтисодиёти ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятларини илмий адабиётлар асосида ўрганиш, таҳлил этиш, хулосалар қилиш ва “Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари” мавзусини ўқитиш услубиётини ишлаб чиқишдан иборатдир.

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг иқтисодий мазмуни.

Ўтиш даври барча давлатлар тараққиёти жараёнида содир бўладиган оралик ҳисобланади. У ҳар қандай давлат учун умумий қонуниятдир. Чунки, давлатлар вужудга келиши биланоқ юксак тараққиёт даражасига бирдан кўтарила олмайди, балки у аввало шаклланади ва маълум тараққиёт босқичларини ўз бошидан ўтказдилар.

Ҳар бир давлатнинг вужудга келиш, ривожланиш ва юксак даражасига кўтарилиш жараёнлари олимлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда ўрганиш давом этмоқда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” маърузаси. //Халқ сўзи.2014 йил 18 январь

Аммо, ўтиш даври ўзи нима, учун ўтиш даври деб айтилади?-деган саволларга жавоб илмий адабиётларимизда жуда кам ўрганилган. Аммо, уни мукаммал тарзда ўрганмасдан туриб мамлакатлар ривожланиш хусусиятларини аниқ тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бугун юксак ривожланган ёки кам тараққий қилган ёхуд эндигина ривожланиш томон қадам ташлаётган мамлакатларнинг бир иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни айнан иккинчисида такрорланмайди. Тўғри, ўтиш даври учун барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд. Аммо, уларни амалга ошириш ҳам давлатлар ва унда яшаётган халқнинг минталитети билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Хўш, нега шундай? Ўтиш жараёнида тайёр андозалардан «модел»дан фойдаланиб пировард мақсадни амалга оширишга киришилса бўлмайди-ми?

Худди ана шу саволга жавоб бериш учун ҳам ўтиш даври ҳақидаги қарашларни ўзида уйғунлаштирган концепцияни ишлаб чиқишга эҳтиёж бормоқда.

Айниқса бу эҳтиёж мамлакатлар тараққиётида содир бўлаётган турли-туманлик, муаммоларнинг юзага келиши ва уларни ҳал қилиш омилларини ишлаб чиқиш жараёнида яна ҳам кучайиб бормоқда.

Ўтиш даври деганда мамлакатларнинг маълум бир ижтимоий тараққиётдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўлган оралиқ босқич, уни ўрганиш, тадқиқ қилиш натижасида шаклланган илмий асосланган қарашлар тизими тушунилади.

Албатта, берилаётган бу таъриф охири ҳақиқат сифатида қабул қилинмаслиги мумкин. Чунки, ўтиш даврига бўлган қарашлар ривожланиб борган сари, бошқа олимлар томонидан тўлғазилиб борилади. Биз томонимиздан берилаётган таъриф ана шу йўналишдаги уринишларимизнинг натижаси сифатида шаклланди.

Ўтиш даврига муносабат билдирган Германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: “одатда, “ўтиш даври” ислоҳининг сўзларини айнан тушуниб, уни ўтмиш ва келажак оралиғидаги бугун, деб ўйлайдилар. “Ўтиш даври”нинг пайдо

бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш-сабаб, келажак эса мақсад тарзида воқе бўлади”⁷.

Бу келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, «ўтиш даври» «оралик» маъносини англатмоқда. Албатта бундай қараш ҳам ўтиш даври назариясининг ишлаб чиқилишида муҳим асос бўлиши мумкин. Мазкур муаллифнинг яна бир муҳим хулосаси мавжудки, у эътиборга лойиқ. Жумладан, у шундай ёзади: “Табиийки, ўтиш даврлар турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавхумотли инкор билан тўла”. Кимдир бундай даврларни “дарё бўйлаб узала тушган кўприк”⁸ деб ўхшатиб таърифлашган.

Хуллас, ўтиш даври ҳақида турли фикрлар мавжуд, уларни аниқ тизимга солинган назариясини шакллантириш борасида уринишлар давом этмоқда. Аслида ўтиш даври кенг ва ўта мураккаб тушунча бўлиб, давлатлар тараққиётининг бир босқичдан иккинчи босқичига кириб бориши билан боғлиқ жараён бўлиб, уни уларни ечишда аниқ андозаларни яъни бир мамлакат тажрибаларини иккинчисида айнан қўллаб бўлмаслиги, айнан ҳар бир мамлакат учун хос бўлган «моделни ишлаб чиқиш ва уни реалликка айлантира билишда номоён бўлади. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир мамлакатнинг мавжуд ички имкониятларидан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган вазият (барқарорликнинг юзага келиши) нинг юзага келиши ва оммани уюшқоқлик билан мақсадга йўналтирилган вазифаларни изчиллик билан ҳал қилишга қодир бўлган эҳтиёжнинг ҳар доим ҳам юзага келмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Худди ана шу жараён мамлакатлар юзага келган дастлабки пайтидан уларнинг кейинги босқичига ўтиши учун зарур бўлган умумий қонуният ҳисобланади. Чунки, ўтиш даври давлатчилик пайдо бўлиб унинг тараққиётнинг қулдорлик, феодализм ва капитализм каби ижтимоий-иқтисодий тарққиётга ўтиши учун ҳам зарур бўлади.

Тўғри, юқорида келтирилган тараққиётнинг босқичлари кейингиси олдингиси ичидан ўсиб чиққан. Аммо, ана шу «ўсиб чиқиш» жуда мураккаб

⁷ М. Шарифхўжаев ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. –Т.: Ўқитувчи. 2000. 52-бет.

⁸ М. Шарифхўжаев ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. –Т.: Ўқитувчи. 2000. 53-бет.

кечган, у турли давлатларда турли кўринишларда бўлган ва ўсиб келаётган эҳтиёжни қондиришга қаратилган. Шунинг билан бирга ўтиш даврининг муҳлати (давомийлиги) ҳам турли мамлакатларда ўзига мос равишда содир бўлган. Шу маънода ҳам ўтиш даврининг муҳлатини олдиндан белгилаб бўлмайди.

Ўтиш даври мамлакатлар тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан иккинчига ўтиши қонуният бўлиши билан бирга ана шу босқичларга ўтиш жараёни ҳам турлича намоён бўлади. Улардаги асосий умумийлик эскининг тараққиёт эҳтиёжларига жавоб бераолмаганлиги оқибатида янги босқичга ўтиш заруриятини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Шу маънода ўтиш давридаги бош йўналиш «орқага қайтиш» эмас, балки «олдинга» юриш, пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда тараққий қилиш томон кўтарилиш ҳисобланади.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли уринишлар, қон тўкишлар, халқ бошига тушадиган турли фожеаларга қарамасдан уларнинг қайси даражада содир бўлишидан қатъи назар барибир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу маънода Леонид Левитиннинг қўйидаги фикрига қўшилиш мумкин. “Посткоммунистик ўтиш даври-ўтиш даврининг кўринишларидан биридир холос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-биридан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қилмасин, бироқ асосий маънолари бита-жамиятни унинг иқтисодини, сиёсатини, унинг маданиятини замонавийлаштириш”⁹-деб ёзади.

Аммо, ана шу «Замонавийлаштириш»ни қайси ўлчов мезонидан келиб чиқмоғи керак, - деган саволга жавоб топиш зарур бўлади. Зеро, «замон» ўзгарувчан, шиддат билан олдинга интилувчи жараён холос. Агар ана шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ўтиш даври қачон тамом бўлади, унинг томом бўлиш мезонлари мавжудми ёки «замон» каби тўхтовсиз жараён ҳисобланадими?-деган саволлар юзага келаверади.

Аслида, юқорида бизнинг унга берган таърифимизда уни давлат тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур

⁹ Ф. Бекқулбеков. Ўтиш даври иқтисодий назарияси. –Т.: “Фан ва технология”, 2007. 135-бет

бўладиган алоҳида босқич эканлиги ҳақидаги концептуал ғоямизга мувофиқ ўтиш даври шу маънода ҳам алоҳида босқички, албатта у маълум муҳлатдан кейин ўз поёнига етади ва жамият илгарига қараганда юқори тараққиёт босқичида яшай бошлайди.

Биз ана шундай жараёни аниқ тасаввур қилишимиз ва тушунишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда инсоният ўз бошидан ўтиш даврини ўтказиш билан яшайди ва бу охири йўқ бўлган жараён- деган нотўғри хулоса келиб чиқади.

Фикримизча бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган «ўтиш даври» ёки аниқроғи «оралик» босқичининг муҳлати ана шу янги юзага келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум ўз имкониятларини тўла юзага чиқариб барқарор тараққий қилиш жараёни юзага келиши билан тугайди. Бу ердаги концептуал ғоя шундаки, инсоният фақат «ўтиш даври» билан яшамайди, балки унинг бошланиши бўлганидек поёни ҳам мавжуддир. Худди ана шу «поёни» тараққиёт даражаларини ёки тузумларнинг бирини иккинчиси билан фарқлаш имконини беради. «Поёни» ёки ўтиш даврининг охири янги тузумнинг нормал ишлаш таъминланганлиги шароити юзага келиши билан тугайди.

Бундай шароитда замоннинг эҳтиёжи ва ривожланиш даражаларида янги вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумнинг турли соҳаларида мавжуд бўладиган «механизмларининг» барқарор «ишлаш» амалга ошади. Яна ҳам аниқроғи, замон нуқтаи назаридан давлат ҳаётида барқарор тараққий қилиш жараёни содир бўлади.

Шу нуқтаи назардан ҳам Леонид Левитиннинг ўтиш даври «замонавийлаштириш» мезони сифатида қараганлиги ҳақидаги фикрига қўшилиш мумкин. Унинг “Бундай замонавийлаштириш муайян якун топгунча, яъни мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик даражаларига эришгунча бўлган давр “ўтиш даври” деб аталади”¹⁰-деган таърифи фақат замон нуқтаи назардан қаралсагина тўғри бўлади. «Ўтиш даври»га фақат ана шундай

¹⁰ Ф. Беккулбеков. Ўтиш даври иқтисодий назарияси. –Т.: “Фан ва технология”, 2007. 138-бет

қаралсагина инсоният ва жамиятлар ривожланиш жараёнларига тўғри баҳо бериш мумкин бўлади.

Зеро, инсонлар эҳтиёжларининг тўла таъминланиши ва жамият тараққиётининг юксак даражага кўтарилиши фуқаролик жамияти қурилгандагина амалга ошади. Аммо, фуқаролик жамиятини инсоният эҳтиёжларини қондира оладиган, жамиятнинг энг юқори поғонага кўтарилган ва унинг бундан кейин ривожланишига эҳтиёжи бўлмайдиган «охирги» «манзил» сифатида қараш ҳам илмий нуқтаи назардан тўғри бўлмайди. Чунки, фақат эҳтиёжнинг юзага келишигина тараққиёт заруриятини келтириб чиқаради. У тўхтаган дақиқадан бошлаб тараққиёт ҳам тўхтайдди.

Аммо, инсониятнинг ҳали тўла маънодаги фуқаролик жамияти шароитида яшаётган маконни айтиш қийин.

Шу маънода ҳам бугун уни инсоният ўзининг идеали сифатида қарамоқда ва уни қуриш учун фаоллик кўрсатмоқда.

Яна «ўтиш даври» ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис уларнинг биринчисидан иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжни юзага келтириб туради. Бу ўз навбатида янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

Албатта, ибтидоийдан, қулдорликка, ундан феодализмга, ундан эса капитализмга ўтиш жараёнларида мамлакатлар ҳаётида қандай алғов-далғовлар, инсонлар ҳаётида ҳам жуда катта қийинчиликлар, урушлар ва уларнинг оқибатида қон тўкишлар содир бўлганлигига қарамасдан бу ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг бирининг ичидан иккинчисининг ўсиб чиқиши объектив зарурият сифатида содир бўлиб келган.

Аммо, капитализм демократик тамойиллар асосига қурилган жамиятга ўтиш бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади. Улар қуйидагилардир:

Биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар капитализм тузумининг ичида шаклланди ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён ҳам силлиқ амалга

ошмайди, балки ўта мураккаб кечди, жуда катта талофотларни ўз бошидан кечирди. Худи ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлашдаги яъни жамият тараққиётини халқ манфаатларига қаратилганлиги капитализмни халқ «капитализм»га унинг фаровонлиги тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келди;

Иккинчидан, айрим мамлакатларда ҳали капитализм тўла маънодаги жамият сифатида ўз имкониятларини юзага чиқариб улгурмасдан куч ишлатиш йўли билан ғайри илмий, сохта халқ «фаровонлиги» «таъминловчи» коммунистик жамиятга ўтиш йўлидан борилди. Бу йўлнинг танланиши тажрибаси кўрсатдики: а) жамият тараққиётини сунъий равишда жадаллаштириб бўлмаслигини; б) куч ишлатиш, зўравонлик кўрсатиш жамият ҳаётини тубдан ўзгартирмаслиги ва уларнинг заминида албатта айнан шу кўринишда бўлмаса-да бошқа кўринишларда пировард мақсадларга эришиш йўлида куч ишлатиш ва зўравонликни қўллаш давом этиши мумкинлиги кўрсатади; в) ўтиш даври муҳлатини сиёсий ҳокимият ҳукмронлигининг тўла таъминланганлиги билан эмас, балки халқ фаровонлигининг, унинг барча йўналишларда эркинлиги қайси даражада таъминланганлиги билан белгилаш асосий мезон сифатида бўлиши кераклигини тасдиқлайди; г) капитализмнинг барча имкониятлари юзага чиқмасдан туриб, демократик жамиятга ўтиб бўлмаслигини ва ўз навбатида капитализмнинг ўзини ҳам сунъий равишда жорий қилиб бўлмаслигини, албатта маълум ўтиш даври зарур эканлигини кўрсатди; д) Капиталистик муносабатлари шаклланмасдан, унинг имкониятлари юзага келмасдан туриб феодализмдан демократик жамиятга ўтиб бўлмаслиги тажрибада тасдиқланди. Мамлакатлар феодализмдан, ташқаридн кўрсатиладиган «беғараз» ёрдамлар билан капитализмни «четлаб» коммунизм даражасига кўтарила олмаслиги, омма манфаатларини «ифодаловчи» ва «фаровонлигини» «таъминловчи» сохта коммунистик жамиятга ўтиб бўлмаслигини, албатта ана шу коммунистик жамият заминида капиталистик муносабатлар ривожланиб боришлигини ва бу ўз навбатида ўтиш даври муҳлатининг чўзилиб кетишига олиб келишини тасдиқлади. Чунки, бундай шароитда на фақат ўтиш даври муаммолари, шунинг билан бирга капитализм

тузумига тааллуқли муаммоларни ҳам ҳал қилиш вазифаси юзага келади. Ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятларнинг юзага келиши билан тугамайди, балки уларнинг халқ фаровонлигини таъминлашга қайси даражада қаратилганлиги инсонларнинг эркинликларининг таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Улар нафақат мамлакатларга боғлиқ шу билан бирга уларда яшаётган аҳолига, уларнинг жараёнлар билан ҳамоҳанг бора билишларига ҳам боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келади.

Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш. Эркинлаштириш – бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборат. У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;
- ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;
- нархларнинг асосан талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантирилишига ўтиш;
- ички ва ташқи бозорларда трансакцион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш.

2. Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини яратиш. Бу йўналиш қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

- барча иқтисодий агентларнинг иш фаоллиги учун тенг имконият ва шароитлар яратилиши;
- бозорга хорижий рақобатчилар ҳам кириши учун имкон берилиши;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ҳалақит берувчи маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш ва тармоққа киришидаги тўсиқларни пасайтириш;

- табиий монополияларнинг нарх ва маҳсулот сотиш сиёсатини тартибга солиш ва бошқалар.

3. Институционал ўзгаришлар. Мазкур ўзгаришлар қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

- мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, жумладан, хусусий секторни яратиш;

- бозор инфратузилмасини (тижорат банклари, товар ва фонд биржалари, инвестиция фондлари ва ҳ.к.) шакллантириш;

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги тизимини яратиш;

- бозор шароитларига мос тушувчи ҳўжалик қонунчилигини қабул қилиш ва бошқалар.

4. Таркибий ўзгаришлар. Таркибий ўзгаришлар биринчи навбатда иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган. Иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришдан асосий мақсад – ички ва ташқи бозорларда тўловга қодир талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини ривожлантиришдан иборат.

5. Макроиктисодий, асосан, молиявий барқарорлаштириш. Аслини олганда, бу жараён тизимий ислоҳотлар қаторига кирмайди, чунки у бозор иқтисодиёти барқарор амал қилаётган мамлакатларда ҳам тез-тез ўтказилиб туради. Бу йўналишнинг муҳим аҳамияти шундан келиб чиқадики, маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг инқирози энг аввало ва кучли равишда молиявий соҳада, айниқса юқори инфляция шаклида намоён бўлади. Инфляциянинг узок вақт мавжуд бўлиши бозор муносабатларининг нормал қарор топишига тўсқинлик қилади, шунинг учун уни бартараф этиш ўтиш даври иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланади. Макроиктисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари тизимига пул эмиссиясини чеклаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, ижобий фойз ставкасини таъминлаш ва бошқалар киради.

6. Бозор хўжалигига мос бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини шакллантириш. Бу тизим аҳолининг нисбатан муҳтож қатламини аниқ ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтишга йўналтирилган.

Бозор тизимининг кўрсатиб ўтилган асосий унсурларини шаклланишининг якунига етиши ўтиш даври тугаганлигидан дарак беради.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий босқичлардан демократик жамиятга ўтиш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг мураккаблиги, унга содир бўлган тараққиёт босқичлари объектив эҳтиёж сифатида бирининг ичида иккинчиси шаклланиб келган, давлат ва унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шаклан ўзгарган бўлса ҳам мазмунан у бари бир оммани итоатда ушлаб туришга, унинг устидан ҳукмронлик қилишга қаратилганлигича қолаверган. Улардаги яна бир хусусият омма давлат учун, - деган тамойилнинг амал қилганлиги билан ҳам характерланади.

Демократик жамиятда эса, энг аввало сиёсий тузум тубдан ўзгариб халқнинг ҳокимияти бевосита ёки билвосита иштирокида бошқаруви амалга ошади ва омма давлат учун эмас, аксинча давлат омма учун, - деган тамойилнинг устуворлиги асосида давлат бошқаруви амалга ошади.

Шу маънода ҳам демократик жамиятга ўтиш жараёни давлатларнинг барча соҳаларида туб ўзгариш ишларни амалга оширилиши натижаси сифатида содир бўлади.

Демократик жамиятга ўтишда сиёсий соҳада, давлатнинг амалдаги механизмлари тугатилади, унинг ўрнига қурилаётган жамият манфаатларига жавоб бераоладиган механизмлари шакллантирилиб борилади, иқтисодий соҳада, бозор муносабатлари қарор топади, тараққиёт омманинг ўз моддий манфаатдорлигини эркин қондира олиши асосида умумий иқтисодий ривожланиш содир бўлади, маънавий-маърифий соҳада, инсон омили, унинг кадр қиммати

юксак қадрият даражасига кўтарилади, жамият юксак интеллектуал куч асосида ривожланиши реалликка айланади.

Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда инсоният демократик жамиятни ўз идеали сифатида қарамоқда ва уни вужудга келтириш учун фаоллик кўрсатмоқда.

Аммо, демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун ягона бўлган аниқ андозалари, яна ҳам аниқроғи «модел»лари йўқ ва у бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳар бир мамлакат нафақат ўзининг тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, имкониятлари, интеллектуал имкониятлари бири иккинчисидан фаркланади, ҳудди шунингдек ўз халқининг менталитети, турмуш тарзи, урф-одатлари ва қадриятлари билан ҳам фарқ қиладилар. Улар ҳеч қандай самара бермайди балки, балки оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарихий тажриба тасдиқлади. Шунинг билан бирга демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш бозор муносабатларини шакллантириш, инсонинг ўз ички имкониятларини юзага чиқариш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, жамият тараққиётида юксак интеллектуал салоҳият устиворлигини таъминлаш ва бошқа бир қатор қонуниятлар барча демократик жамият қуришга интилаётган мамлакатлар учун умумий ҳисобланади. Аммо, улар барча мамлакатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда демократик жамиятга ўтишга ҳалақит бермайди. Аксинча ўтиш даврида мавжуд бўладиган муаммоларнинг маъно-мазмунини теран англаган ҳолда уларни собитқадамлик билан ҳал қилиш имконини беради.

Демократик жамиятга ўтиш деганда мамлакатларнинг турли тузумлардан демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақт тушунилади. Ҳудди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий имкониятлар яратилади. «Оралиқ» вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторидаги энг муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, бугун бу масала илмий адабиётлардан ўзининг илмий ечимини топганича йўқ. Унга аниқлик киритмаслик эса «ўтиш даврининг» боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди.

Тўғри, ўтиш даври энг аввало сиёсий ҳокимиятда пировардида демократик жамиятга олиб боровчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг базасида иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислохотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади.

Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг унга ўтиш даври тажрибаларига асосланиб, ўтишнинг учта асосий йўли ёки «модел»и шаклланганлигини таъкидлаш мумкин. Унинг биринчисини классик йўл ҳисобланади. Бу йўлнинг асосий хусусияти шундаки, у узок тарихий босқичда амалга ошади ва ўтиш даврида сиёсий соҳада қанча бўҳронлар содир бўлишига қарамасдан асосий ўтишнинг ислохотлари иқтисодий соҳада амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини, хусусан ижтимоий-сиёсий ва маънавий маданий соҳаларда ҳам ислохотларнинг амалга оширилиши имконини беради.

Ўтиш даврининг классик йўлидаги бундай жараённинг характерли томони шундаки; иқтисодий соҳада хусусий мулкчиликнинг ривожланишидан аҳолининг аксарият кўпчилик қисми рози бўлмайди. Чунки, асосий моддий бойлик бир қисм одамлар қўлида тўпланади, бошқалар эса унга қарам бўлиб қоладилар оқибатда мамлакат ички ҳаётида катта бўҳронлар, хатто фуқаролар урушлари содир бўлиши мумкин. Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини берабошлаганича давом этади.

Бунинг самараси дастлабки пайтда айнан шу мақсадга йўналтирилмасдан, балки мулк эгалари ўзларининг моддий бойлигини ривожлантириш йўлида, ишлаб чиқаришни ривожлатириш, янги корхоналарни қуриш, уларни замонавий техника билан қуроллантириш, янги иш жойларни вужудга келтириш каби катта ишларни амалга оширадилар. Ундан катта фойда кўрган мулк эгаларини изчиллик билан ривожлантириб борадилар, унинг оқибатида аҳолининг иш билан таъминлаш

амалга ошади, уларнинг фарвонлиги яхшиланади ва ниҳоят мамлакатнинг иқтисодий юксалиши ҳам содир бўлади. Бу ўтиш даврининг классик йўлнинг бошланиши капиталистик муносабатларнинг юқори босқичи, унинг иқтисодиётда ислохотлар ўтказмасдан тараққий қилинишига имконият етмай қолиш оқибатида юзага келади.

Бу йўлнинг классик (анъанавий) йўл дейилишига сабаб шуки, мамлакатларнинг демократик жамиятга ўтиши дастлаб худди ана шу кўринишда намоён бўлди ва бугун юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг аксарияти ана шу йўлдан бордилар.

Классик йўл муаммоларнинг кўплиги, уларни ҳал қилишнинг мураккаблиги, аҳолининг бу жараёнга «кўникиб» бориши каби масалалар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам Европа мамлакатларида 2-2,5 асргача давом этди. Ана шу мухлат ичида мамлакатларда иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг заминида демократик қадриятлари ҳам шаклланди ва уларда бугун фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчиси инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий аксарият кўпчилик аҳолининг турмуш тарзи нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яъни амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади ва унинг ўрнига янги,-демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфроструктураси вужудга келади. Улар ўз навбатида иқтисодий ҳаётда кескин ислохотлар ўтказадилар хусусан, амалдаги миллий валюта бекор қилинади (синдирилади). Аҳолининг қўлидаги пул маблағлар ҳам ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади.

Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

а) Собик тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сақланиб қолганлиги; б) Демократик қадриятларнинг куртаклари мавжудлиги; в) мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал

салоҳиятнинг етарли бўлиши; г) аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократик жараёнга ҳеч бўлмаганида «мойиллиги» бўлиши кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, интеллектуалнинг ролини олиб кўрайлик. Улар мамлакат ҳаётида бўладиган ҳар бир ўзгаришни юзага келтирувчи асосий қудрат ҳисобланади. Халқ ҳокимиятдан кўра уларга ишонади, уларга эргашади. Шу маънода ҳам улар оммани уюштиради ва демократик жараёнларга йўналтиради. Шунинг билан бирга интеллектуалнинг ўзи ҳам демократик жараёнларнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда бардош бера оладиган уюшган куч даражасига кўтарилган бўлиши лозим.

Интеллектуалнинг характерли хусусияти шундаки у бошқа ижтимоий табақалардан кўра жамият ҳаётида юзага келадиган жараёнларни олдин билишга интилади ва бу ўзгаришларнинг бошида тура олади. Ёки аҳолининг маълум бир қисмининг мамлакатнинг ўтиш давридаги мураккаб шароитларга (мойиллиги) бўлиши зарурлиги омилини кўрайлик.

Аввало, аҳоли мураккаб муаммоларни ҳал қилишда кузатувчи эмас, уларни ҳал қилишда фаол иштирок қилмас экан, инқилобий йўл ҳеч қандай самара бермайди, аксинча у мамлакатни тараққиётдан орқага кетишига олиб келади. Айниқса, улар интеллектуал билан яқдилликда ана шу кескин ўзгаришларнинг уюшган ташкилотлари ва ҳаракатлантирувчи кучларига айланиши лозим.

Агар ана шу омиллар етарли бўлса, инқилобий йўл ҳам ўзининг самарасини бериш мумкин. Бу йўлдан Европанинг собиқ социализм тузумида яшаган Польша, Венгрия, Германия демократик республикаси Болгария ва Россия каби мамлакатлар бормоқдалар. Аммо, уларда ҳам ички зиддиятлар кучайди, омманинг аҳволи оғирлашди, улардан қатъий назар уларда инқилобий йўл билан ўтиш учун зарур бўлган юқоридаги омиллар қайсидир даражада мавжуд эди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятга ўтиш жараёни кескин ривожланиб кетди.

Унинг мазумни шуки, сиёсий ҳаётда кескин бурилиш содир бўлди, у мамлакатлар сиёсий тизимида (системасида), бошқарувнинг моҳиятан бутунлай янги шакли иқтисодиётда давлат мулкани хусусийлаштиришда, маънавий-

маърифий соҳада эски мафкурадан воз кечишнинг кескин амалга оширилиши содир бўлди. Аммо, улар ўзаро ички курашларнинг авж олиши, баъзи мамлакатларда қон тўкилишининг содир бўлишигача бўлган оғир жараёнлар шаклида амалга ошди. Шунга қарамасдан, юқорида кўрсатилган омилларнинг у ёки бу даражада мавжуд бўлиши инқилобий йўлнинг ҳам самара бераётганлиги ана шу мамлакатларда содир бўлган ва бўлаётган ижобий ўзгаришлардан кўриб турибмиз.

Бу йўл қанчалик мураккаб, мамлакат ҳаётида жуда катта бухронларга олиб келишни ҳисобга оладиган бўлсак, уни ҳар мамлакат ўз хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолдагина амалга ошириши мумкин. Аммо, шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, юқоридаги омилларнинг мавжудлигининг ўзи ҳам мамлакатларнинг демократик жамиятга инқилобий йўл билан ўтишига «мажбур» этади. Чунки, ана шу омиллар жараёни тезлаштирувчи асосий қудрат ҳисобланади.

Демократик жамиятга ўтишнинг учинчиси-эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характери хусусияти шундаки, мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан эскини кескин, бир «зарб» билан тугатилмасдан босқичма-босқич, вазминлик билан тугатилиб борилади. Ҳатто, уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланиб борилади. Худди ана шу жараёнда иқтисодий ислохотларни олиб боришда ва бу йўналишда янги муносабатлар шакллантирилади.

Сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда маънавий-маърифий соҳаларни ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилади.

Хўш нима учу аста-секин, босқичма-босқич ўтиш зарурияти туғилади? Агар аста-секин ўтиладиган бўлса, унинг классик йўлдан фарқли томони нимада, унда ҳам аста-секинлик билан демократик жамият ўтилган-ку?

Албатта, эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари мавжуд ва улар қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, классик йўлда демократик қадриятлар мавжуд жамият ичида юзага келади ва у мавжуд тузумнинг тараққий қилиши, мулк эгалрининг ҳам, худди

шунингдек оддий халқнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналиб боради. Бундан ҳар икки томон ҳам манфаатдорлик кўради. Яъни демократик кадриятлар тараққиётнинг капиталистик муносабатларининг «маърифатлашиб» халқ фаровонлигини таъминлаш омилига айланишнинг «меваси» сифатида юзага келади.

Кўпчилик ҳолларда эволюцион йўл мамлакатларнинг тоталитаризм ёки диктатуралар ҳукмронлигининг барбод бўлиши ва унинг оқибатида демократияга ўтиши учун хос бўлиб, мамлакатлар ҳаётида кескин ўзгаришларни амалга оширишнинг имкониятлари бўлмаганлиги билан боғлиқдир. Аслида, тоталитаризм ҳам моҳиятан, капиталистик муносабатларнинг «маърифатлаша» олаолмаганлиги, мавжуд сиёсий тузумнинг зўрлик билан барбод қилиниши, мулкдорларнинг мулкани тортиб олиниши ва уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи маънавий-мафкуравий салоҳиятнинг юзага келтирилиш натижасида вужудга келган янги кўринишдаги «капитализм»дир. Агар классик ўтиш даврига хос бўлган капитализм муносабатларида сиёсий тузум, иқтисодий муносабатлар ва маънавий-маърифий салоҳиятлардаги ўзгаришлар аста-секин умумманфаатлар йўлида демократик кадриятларга асосланган жамиятга «бўшатиб» бериш йўлидан борган бўлса, тоталитаризм мавжуд капиталистик муносабатларни зўрлик, куч ишлатиш йўли билан тугатилиб, унинг ўрнига янги – ўзига хос «капиталистик» муносабатларни шакллантириш оқибатида юзага келган жамият эди. Чунки, бу жамиятда давлат халққа эмас, балки халқ давлатга унинг тепасига шаклланган ҳокимиятни қўлида ушлаб турган «Элитага» хизмат қиладиган даражага кўтарилган эди.

Иккинчидан классик ўтиш йўлида омманинг дунёқараши мавжуд содир бўладиган ўзгаришларга мос равишда ўзгариб ёки тузумнинг ўзгаришига таъсир ўтказиб келган бўлса, тоталитаризм-омманинг онгини тўлалигича ўз манфаатларига бўйсундирган жамият эди. Уни бир «зарб» билан демократияга «мослаштириш» ҳам ниҳоятда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки, онгни ўзгариш қисқа вақтда амалга ошадиган жараён эмас, у жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга мос равишда содир бўлади.

Айниқса, бу жараён саноат ишлаб чиқариши кам тараққий қилган аграр сектор етакчилиқ қиладиган мамлакатларда аста-секинлик билан амалга ошади. Чунки, бундай мамлакатларда аҳолининг тарқоқлиги, сиёсий маданияти кескин ўзгартиришлар эҳтиёжларидан орқада қолган бўлади.

Учинчидан, классик ўтиш учун хос бўлган капиталистик муносабатлар шароитида демократияга ўтишда эски тузум ҳавф туғдирмайди, балки у ўрнини тараққиёт қиляётган янги демократик муносабатларга «бўшатиб» бера бошлайди. Тоталитаризм эса янги демократик жараёнлар учун ҳавф туғдиради. Чунки, унинг ҳукмронлиги даврида шаклланган ниҳоятда кучли муносабатлар, кучлар ва маънавий-маърифий салоҳият демократик жараёнлар ривожланиши учун қаршилиқ кўрсатиб туради. Буни албатта ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Шунинг билан бир қаторда, мамлакатнинг тараққиёт даражалари, халқнинг менталитети, урф-одатлари ва кадриятларини ҳисобга олиш эволюцион йўлининг катта имкониятлари бўлиб, бу ўтиш даврида нисбатан кам талофатлар содир бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бугун кўпгина олимлар эволюцион йўл бугунги ўтиш даври учун энг мақбул йўл сифатида қарамоқдалар. Жумладан, Россия фанлар академиясининг академиги А.Н. Яковлев шундай ёзади “...инқилоб бу-боши берк кўча, йўлини йўқотиш демакдир. Ўзаро жанжал ва тўполонлар шароитида ҳам қуйидан ҳам юқоридан бошланадиган” жинойтлар авж олади. Шу тариқа Люпенлар жинойти ва ҳокимият жинойти бир-бирига аралашиб кетади. Инқилоби даврида шавқатсизлик мисли кўрилмаган даражага етади. У олға ривожланиш ҳақидаги ҳам ҳаётларни яратади-ю, охир оқибатда ўзи ана шу ҳаракат йўлида тўғаноқ бўлади. Фақат табиий, тадрижий йўл инсонга қониқиш туйғусини, жамиятга эса ўз тараққиётини изчил пухта ўйланган, режали тарзда амалга ошириш имконини беради”¹¹.

Эволюцион йўлнинг яна бир афзаллиги шундаки, бугун инсоният жуда катта интеллектуал камолат даражасига кўтарилди, шунинг билан бирга унинг эҳтиёжлари ҳам унга мос равишда ривожланиб бормоқда. Ана шу икки жараённи

¹¹ Ф. Беккулбеков. Ўтиш даври иқтисодий назарияси. –Т.: “Фан ва технология”, 2007. 152-бет

уйғун ҳолатда ривожлантириш имкониятини фақат эволюцион йўлдан бориш билан ҳал қилиш мумкин бўлади. Бугун ҳудди ана шу йўл фожеаларга олиб келувчи қарама-қаршиликларнинг олдини олишга ва тараққиётга мурса-ю, мадора йўл билан эришиш имконини беради.

Бу йўл бугун ўз мустақиллигини қўлга киритиб энди тараққиёт йўлига кираётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун ҳам самара берадиган йўл ҳисобланади. Улар ҳозир тараққиётнинг қайси босқичларида бўлишларига қарамасдан, тараққиётнинг барча босқичларини ўзбошларидан кечиришлари умумий қонуният бўлганидек, демократик тараққиёт босқичига ҳам табиий тадрижий йўлдан боришни бош йўналиш сифатида белгилаб олсагина ва унга реал амал қилсагина пировард мақсадга эришишлари мумкин.

Аммо, уларнинг ички ҳаётига аралашув, демократияни ташқаридан бир «зарб» билан киритишга ҳар қандай уринишлар кутилган натижа бермайди, балки ички зиддиятларнинг кучайишига мамлакатни тараққиётдан орқага улоқтириб юборишга олиб келиши мумкин.

Хуллас, эволюцион йўл бутун дунё мамлакатларининг ривожланишига ва минтақаларда барқарорликнинг юзага келишига ва умумий тараққиёт учун самара бера оладиган йўл сифатида номоён бўлмоқда.

3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида кўп укладли иқтисодиётни вужудга келиши.

Ўтиш даврининг умумий қонуниятлари Ўзбекистон учун ҳам умумийликка эгадир. Улар ўтиш даврининг бошланиши учун хос бўлган, амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминида иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва мавжуд маънавий-мафкуравий зўравонлигидан қутилиш кабилардир. Улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади.

Аммо, ҳамма масала ўтиш даврининг ичида амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини белгилаш, уларни ҳал қилишнинг механизмлари ишлаб чиқиш ва уларни реалликка айлантириш кабиларда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бир мамлакатнинг ёхуд бир неча мамлакатларнинг ўтиш даврида қўллаган тажрибаларини айнан иккинчи мамлакат қўллай олмайди. Чунки, демократик жамиятга ўтишда на фақат мамлакатларнинг тараққиёт даражалари белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, ҳудди шунингдек, ҳар бир мамлакатда яшаётган халқнинг менталитетини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Уни ҳисобга олмаслик эса пировард мақсадга эришиш имконини бермайди.

Худди ана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда унинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эволюцион тадрижий йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент Ислом Каримов томонидан илмий асосланди ва унинг концептуал ғояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бу йўл Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилда ўз ифодасини топди. Худди ана шу тамойилларни ишлаб чиқишда Президент шундай такидлаган эди: “Шуни алоҳида такидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳияти”¹².

Бу бош ғояни Президент Ислом Каримов жаҳон мамлакатларининг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга хос ўтиш даври «модел»ини ишлаб чиқишда унинг дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги «модел»ларига айнан ўхшамаслигига асосий эътиборни қаратди.

У мамлакатимиз ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритган ва мустақилликнинг хавфи ҳали батамом тугамаган шароитда 1992 йилда бу концептуал ғояни илгари сурди. У шундай ёзади: “Ўзбекистоннинг чинакам

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.-Т: “Ўзбекистон” 1993. 48-бет

мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади”¹³.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром – Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, исломга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда.

Мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда.

Республикадаги ўзига хос демографик вазият-ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Жумҳуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Ўз

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли - Т: “Ўзбекистон” 1992. 18-бет

аждодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир.

Республиканинг яна бир хусусияти-миллий таркибнинг ўзига хослигидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда республика ҳудудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг - баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни «очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Республика қулай геостратегик мавқега эга. Тарихан ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўҳна савдо йўллари (машҳур Буюк Ипак йўли) туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши жараёни кечган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил энергетика ва сув тизимларига эга бўлган собиқ совет Ўрта Осиёнинг марказида турибди, кўпгина масалаларда республикалар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилмоқда ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда тобора фаол роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларни танлашга табиий-иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказмоқда. Республика қишлоқ хўжалиги аксарият сунъий суғоришга ва суғорма деҳқончиликка асосланади. Ўзининг сув имкониятлари жуда чекланган. қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, халқ хўжалиги таркибида пахтачилик етакчи ўрин тутаяди. Ўзбекистон мустақил ўрта осие республикалари орасида ғоят катта экспорт имкониятига эга бўлган жуда муҳим стратегик хом ашё-пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотни етиштирувчи ҳамда етказиб берувчи асосий республикадир. Иқлим шароитлари мева-сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа ғоят қимматли қишлоқ хом ашёсини нафақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун балки бошқа мамлакатларга етказиб бериш учун ҳам зарур миқдорда етиштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини химоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга. Ер бағрининг ғоят қимматли минерал-хом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан халқ хўжалигининг асосан хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу сабабли иқтисодиёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ марказ ўтказиб келган яккахокимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатдан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йиллар мобайнида маълум кадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, қафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан эса, яккахокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлигини, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмоқда.

4. “Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари” мавзусини ўқитиш услубиёти.

Биз “Иқтисодиёт асослари” курсида мазкур мавзу дорасида икки соатлик мавзусини ўқитиш услубиётини ишлаб чиқдик ва амалиётга тадбиқ этдик. Қуйида мазкур мавзунини ўқитиш методикасида аниқлаштирилган мақсадли дифференциат технология асосида ишланма сифатида тавсия этамиз.

Мавзу: “Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари”

Дарсинг мақсади: Талабаларга ўтиш даври ва унинг иқтисодий мазмуни, ўтиш даврининг хусусиятлари, бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси, тамойиллари каби иқтисодий тушунчалар ҳақида маълумот бериш ва уларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Дарсинг бориши:

Ташкилий қисм: талабалар билан саломлашиб, аудиториянинг умумий ҳолатини, талабаларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш, йўқлама қилиш.

Асосий қисм: Аввалги дарсларда ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда янги мавзуни баён этишга асос тайёрлаш мақсадида тегишли саволлар билан саволлар билан талабаларга мурожаат қилинади. Сўнгра янги мавзу баёни қуйидаги режа асосида ташкил этилади: (бу режа аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технологиянинг **“С” стандарт** дастурини ташкил этади).

1. Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси, унинг белгилари, турлари ва қонуниятлари.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари, уларнинг фарқлари ва умумий томонлари.

3. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларининг хусусиятлари ва тамойиллари.

4. Ўтиш даврида Ўзбекистонда бозор ислохотларнинг концепцияси ва стратегияси.

5. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида Республикада макроиқтисодий барқарорликка эришиш вазифалари.

Дарс жиҳозлари: Президент асарлари, буклетлар, фото альбомлар, жадвал ва графиклар.

Дарсда қўлланиладиган воситалар: компьютер, видео кўзгу, проектор, мултимедия.

Дарс ўтишда қўлланиладиган услублар: оғзаки, кўргазмали, амалий, , суҳбат, интервью.

Дарс ўтиш технологияси: Аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология.

В дастур бўйича:

1. Швеция, Туркия, Жанубий Корея, Америка моделларининг хусусияти.
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси, “Ўзбек модели”.
3. Республикада бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари .

А дастур бўйича:

1. Бозор муносабатларига ўтиш даврида Россияда даромадлар дифференциациясининг оптимал чегаралари бузилди. 10% энг бой оилалар пул даромади билан 10% - энг камбағал оилаларнинг пул даромади ўртасидаги фарк 1996 йил январь-ноябрида 12,6 бароварни ташкил этди. Бу давр давомида камбағаллик чизиғи ортида 32,3 млн. киши ёки Россия аҳолисининг 22% и яшайди. Бу ҳолатда турли ижтимоий гуруҳлар даромади даражасидаги катта фаркни йўқотиш учун солиқ тизимининг ролини ошириш керак.

Юқорида келтирилган фикрда норматив ва позитив таҳлил элементларини топинг.

2. Нима учун давлат кўпгина саноатнинг янги тармоқларига молиявий ёрдам беради, баъзида эса тўлиқ молиялаштиради?

Юқоридаги қўлланилаётган технология биринчидан, талабани мустақил тайёргарлигини кўрсатса, иккинчидан, ўқитувчи учун мавзу баёнида бу фикрлар таянч иборалар вазифасини ўтайди, яъни талабани бор билимини ўқитувчи бошқа материаллар асосида бойитади. Мазкур мавзунинг ўқитиш технологияси иловада келтирилган.

Биз битирув амалиёти давомида мазкур мавзу бўйича ўтказилган машғулотимиз давомида иккита гуруҳни тажриба ва синов гуруҳи сифатида танлаб олинди. Танлаб олинган гуруҳларга тажриба синов ишларидан аввал

“Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари” мавзуси билан боғлиқ тушунчалар ҳақида қисқача тажриба ўтказилди. Яъни талабаларга ўтиш даври иқтисодиёти билан боғлиқ саволлар берилди. Тажриба жараёнида талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларини юқори, ўрта ва қуйи даражада баҳоланди. Мазкур тажриба натижалари қуйидагича бўлди.

**“Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари”
мавзусидан маъруза машғулотини ташкил этишдан олдин талабаларнинг
ўзлаштириш кўрсаткичлари**

1-жадвал

Ўзлаштириш даражалари	Тажриба синов гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Талабалар сони	Ўзлаштири ш кўрсаткичи (%)	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)
Юқори	5	20	6	24
Ўрта	4	16	3	12
Қуйи	16	64	16	64
Жами:	25	100	25	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги талабалардан барча саволга олинган жавоблар юқори - 20 %, ўрта 16 %, қуйи 64 % бўлган бўлса, назорат гуруҳида юқори 24 %, ўрта 12 %, қуйи 64 % ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавоблар назорат гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавобларга нисбатан деярли бир хил.

Энди “Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари” мавзусидан ташкил этилган машғулотидан сўнг олинган натижаларни қуйидаги 2-жадвалда келтирамиз.

**“Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари”
мавзусидан ташкил этилган машғулот жараёнида талабаларнинг
ўзлаштириш кўрсаткичлари**

2-жадвал

Ўзлаштириш даражалари	Тажриба синов гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)	Талабалар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи (%)
Юқори	15	60	12	48
Ўрта	8	32	8	32
Қуйи	2	8	5	20
Жами:	25	100	25	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги талабалардан ҳар уччала саволга олинган жавоблар юқори 60 %, ўрта 32 %, қуйи 8 % бўлган бўлса, назорат гуруҳида юқори 48 %, ўрта 32 %, қуйи 20 % ни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, тажриба синов гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавоблар назорат гуруҳидаги маъруза машғулотида олинган жавобларга нисбатан юқори.

Юқоридагилардан қисқача хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб иқтисодий билимларни ўқитишда қуйидаги самарадорликка эришилади: талабада мукамал иқтисодий билим, малака ва кўникма ҳосил бўлади; талаба таълим жараёнининг нафақат объекти, балки субъектига айланади; талабада иқтисодий тафаккур камол топади; талаба

ўйланади, изланади, мушоҳадалайди ва натижада мустақил қарор қабул қилади; фикрни очик баён қилишни ўрганади; талабаларнинг иқтисодий билимга бўлган қизиқиши кучаяди, иқтисодиётга қизиқиши кузатилади; иқтисодий таълимда кетма-кетлик юзага келади.

Демак, бу каби технологияларни «Иқтисодиёт назарияси» фани таълим жараёнига жалб қилиш йўллари белгилаш таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

ХУЛОСА

Жамиятда рўй берадиган иқтисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни бериш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида алоҳида аҳмият касб этмоқда. Бугунги кунда ёш авлодда бунёдкорлик ғояларини шакллантириш, маънавий дунёкарашини кенгайтириш, иқтисодий маданиятини ошириш каби муҳим вазифаларни бажариш орқали мазкур фаннинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади».¹⁴

Айни пайтда Президентимиз асарларидан, айниқса Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузаларидан бизга шу нарса маълум бўлиб турибдики, эришилган ютуқлар билан бир қаторда бугунги кунда ўз ечимини топмаган муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Кўпгина корхоналарнинг зарар кўриб ишлаётганлиги, уларнинг молиявий аҳволи қийинлашиб, банкротга учраётганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг, мулкдорлар синфининг секин шаклланаётганлиги, иқтисодиётда улар улушининг камлиги, қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, фермер хўжаликларини ривожлантириш қийинчиликлари, товар, хизмат ва капитал экспортининг секин ўсаётганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ушбу иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини ва хусусиятларини тушуниш кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодиёт сирларини, айниқса бозор ва бозор иқтисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талаблари ва

¹⁴ Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 8 декабрь.

хусусиятларини, қонун-қоидаларини, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг, уни чуқурлаштиришнинг, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг мақсади ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир.

Шу маънода биз қуйидаги хулосага келдик.

Биринчидан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган тўғри ва изчил иқтисодий сиёсат орқали аҳамиятли ижобий натижалар қўлга киритилди.

Иккинчидан, миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимдан мерос бўлиб қолган бир томонламалик ва инқироз ҳолатидан чиқарилди.

Учинчидан, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди натижада аҳолининг реал даромади ошди.

Тўртинчидан, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Бешинчидан, бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб, ривожлантирилди.

Олтинчидан, маънавий жабҳада ҳам туб ўзгаришлар қилиниб, жамият аъзоларида миллий истиқлол ғояси ва мафкураси шаклланди. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, Т. “Ўзбекистон”, 2008й.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. — XIV боб, 64, 66-модда. — 12 б.
3. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. - Т.: Ўзбекистон, 2014. - 36 б.
4. Ф.Бекқулбеков. Ўтиш даври иқтисодий назарияси. —Т.: “Фан ва технология”, 2007.
5. Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Фан ва технологиялар” 2009 йил.
6. Шодмонов Ш. Гофуров У. Иқтисодиёт назарияси. — Т.: Иқтисодиёт, 2010.
7. Шодмонов Ш., Алимов Р. Иқтисодиёт назарияси. — Т.: Молия, 2003.
8. Шарифхужаев М. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Т. “Ўқитувчи”, 2000.
9. П. Хейне. Экономический образ мышления. М. “Новости” 1991.
10. Ж.Йўлдошев, С. Хасанов. Педагогик технологиялар. Тошкент “Иқтисод-молия” 2009.
11. Тожибоева Д.. Иқтисодий педагогика. Т. “Фан ва технология”, 2008.
12. Тожибоева Д.. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Т. “Фан ва технология”, 2007
13. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш методикаси. Т. “Фан ва технология”, 2005
14. Толипов Ў, Усмонбоева Ў.. Педагогик технология: назият ва амалиёт. Т. “Фан”, 2005.

www.worldtax.org , www.worldwide-tax.com

www.taxworld.org, www.worldtax.org

www.aif.ru., www.krotov.info

www.gumer.info

www.gumannaja-pedagogika.ru

www.koob.ru/pedagogics/

ИЛОВАЛАР

1-слайд

Анъанавий ўқитиш қуйидаги хусусиятларга эга:

- зўравонлик педагогикаси;
- ўқитишнинг тушунтирув-кўргазмали усули;
- оммавий (ўртача ўқувчига мўлжалланган) ўқитиш.

Авторитарликни намоён бўлиш шакллари:

- талаба – бу тўла шаклланмаган шахс;
- ўқитувчи барча кўрсатмаларнинг бажарилишини талаб қилади;
- ўқитувчи сардор, қакам, ягона ташаббускор шахс.

2-слайд

Таълим тизимининг миллий моделида «шахс» биринчи ўринга қўйилганлиги сабабли ўқитиш шахсга йўнартирилган технологиялар асосида амалга оширилади:

- талаба шахси педагогик жараён марказига қўйилган;
- талаба шахсини ривожлантиришга ва таббий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратилган.

3-слайд

Шахсга йўнартирилган технологиялар тамойиллари:

- инсонпарварлик – ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш;
- ҳамкоролик – педагог ва талабалар ўртасидаги муносабатда тенглик шерикликнинг устунлиги;
- эркин тарбиялаш – шахсга ўз фаолиятини танлаш эркинлигини, мустақиллигини бериш.

4-слайд

Шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат бўлади:

- педагогик жараёнда шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир талаба қобилият эгаси, кўпчилиги эса истейдод эгасидир;
- юқори этик кадриятлар (саҳийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждонийлик ва ҳ.к.) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

5-слайд

Муносабатларда демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талаба ва педагог ҳуқуқларини тенглаштириш;
- талабанинг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;
- талабанинг хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;
- талабанинг ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- талабалар ва педагог муносабати зайли: бошқариш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

6-слайд

Индивидуал ёндашувнинг янги талъини қуйидагилардан иборат:

- ўртача ўзлаштирувчи талабага йўналтиришдан воз кечиш;
- шахснинг яхши хислатларини излаш;
- шахс ривожланишининг индивидуал дастурларини тузиш ва унга тузатишлар киритиш.

7-слайд

Шахсий ёндашишда қуйидагилар зарур бўлади:

- ҳар бир талаба қиёфасида ноёб шахсни кўриш, уни ҳурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, унга ишониш;

Педагогик ўйинларнинг технологик схемаси

1. Тайёрлаш босқичи	
1.1. Ўйинни ишлаб чиқиш	сценарияни ишлаб чиқиш; йўриқнома мазмунини ишлаб чиқиш; моддий таъминотни тайёрлаш; гуруҳни шакллантириш.
1.2. Ўйинга киритиш	роллар тақсимоти; муаммо ва мақсадларни вужудга келтириш; шартлар, қоидалар, регламент ўрнатиш; маслаҳатлар бериш.
2. Ўтказиш босқичи	
2.1. Топшириқ устида гуруҳ билан ишлаш	манбалар билан ишлаш тренинг; ақлий ҳужум; ўйин техникаси билан ишлаш.
2.2. Гуруҳлараро мунозара	гуруҳларни чиқиши; натижаларни ҳимоя қилиш; мунозара қоидаси; тақризчилар (эксперт) иши.
3. Таҳлил босқичи	
3.1.	Ўйиндан чиқиш.
3.2.	Таҳлил.

3.3.	Ишни баҳолаш ва ўзига баҳо бериш.
3.4.	Хулоса ва мурожаатлар.
3.5.	Тавсиялар.

9-слайд

Ўқитувчи фаолиятининг тузилиши

Машғулотнинг асосий босқичлари	Ўқитувчи фаолияти	Талабанинг фаолияти
1	2	3
Ташкилий момент: Топширик; талабаларда билиш фаолиятига психологик тайёргарликни шакллантириш	Ўқитувчи мактабдаги ҳаётий вазиятга таянган ҳолда талабаларга психологик мўлжал ола билиш (сезгирлик) муҳим касбий сифат эканлиги ҳақида ахборот беради	
Амалий ўйинга киришув	Синф раҳбари, синфда содир бўладиган вазиятлар ҳақида бошланғич маълумот беради	Ахборотни қабул қилишади, вазиятни аниқлашади
Ўйин фаолиятига тайёргарлик	Талабалар орасида роллари тақсимлаш: - синф раҳбари (икки киши навбатма-навбат ўйнайди); - синф ўқитувчилари (фаоллар, қийин болалар, нофаоллар ва ҳ.к.); - психологик-педагогик таҳлил этувчи расмий оппонентлар	Барча талабалар ижодий гуруҳларга тақсимланадилар, ҳар бир талабанинг вазифаси аниқ белгиланади. Масалан, расмий оппонентларга таҳлил схемаси берилади
Репетиция (10 дақиқа)	Ўқитувчи ҳар бир ижодий гуруҳга позиция танлашга доир консультатив ёрдам кўрсатади	Амалий ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси бир- биридан алоҳида тарзда вазиятга нисбатан ўз муносабатини аниқлайди, ўз ҳаракатини ўйлайди

Амалий ўйиннинг бориши	Ўқитувчи расмий оппонентларни ишга жалб этади	Барча талабалар амалий ўйиннинг экспозицияси асосида ҳаракат қилишади. Синф раҳбари ролидаги талаба-лидер ўйинни бошқаради
Талабалар фаолиятини таҳлил этиш	Ўқитувчи олдин оппонентларга сўз беради, сўнгра хулосалайди: - барча ўйин иштирокчилар фаолиятини таҳлил қилиб беради; - оппонентлар ишини баҳолайди	Оппонентлар дидактик материалда кўрсатилган ўз вазифаларига мувофиқ талабалар фаолиятини таҳлил этишади, оппонентлар берган саволга жавоб беришади

10-слайд

Ўқитувчи-тарбиячи нутқини психологик-педагогик таҳлилининг схемаси

Т/р	Таҳлилнинг асосий аспекти	Баҳо мезони
1	Нутқ мазмуни	Мақсадга йўналганлик, нутқни илмий ва эмоционал ахборот билан таъминлаганлиги, ахборотнинг янглиги, нутқ композицияси
2	Нутқни ишонтириш сифати	Нутққа ишонтиришнинг махсус усулларини қўллаш: яширин баҳс усули, аргументни икки томонлама бериш, муаммоли баён ва ҳ.к.
3	Нутқнинг эмоционаллик сифати	Эмоционал жиҳатдан таъсир кўрсатувчи усулларни қўллаш: инсонлар истироби ҳақида хабарга асосланган нутқ усуллари; лекторнинг тингловчилар ҳис-туйғусини қўллаб-қувватлаши, имо-ишорали экспрес-сив усули ва ҳ.к.
4	Нутқни сафарбар этувчилик сифати	Тингловчиларни мустақил фаолиятига сафарбар этувчи махсус усулларни қўллаш: келажакдаги истиқболни очиш. Фаолият дастури билан таништириш, бошқа шахслар фаолиятини намуна қилиш, тингловчиларга, тавсиялар бериш ва ҳ.к.
5	Нутқнинг хусусиятлари	Саводлилиқ, сўз бойлиги, нутқни тасвирий воситаларга эгаллиги, ортиқча сўзларнинг йўқлиги

6	Овозни бошқариш	Маъруза, нутқ, суръат, баландлиги, модуляцияси, нутқ тембри
7	Мимика ва имо-ишоралар	Тасвирийлилик, мақсадга мувофиқлилик, ўз ўрнидалилик, назокатлилик

Мавзу	Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари.
Маъруза - конференция маърузаси учун режа - топшириқ	
Маъруза режаси : 1.Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси, унинг белгилари, турлари ва қонуниятлари 2.Бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари, уларнинг фарқлари ва умумий томонлари 3.Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларининг хусусиятлари ва тамойиллари. 4.Ўтиш даврида Ўзбекистонда бозор ислохотларнинг концепцияси ва стратегияси. 5.Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида Республикада макроиқтисодий барқарорликка эришиш вазифалари.	
Дарс мақсади:	Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарурлиги ва унинг турли йўллари ҳақида талабаларга чуқурроқ билим бериш.
Ўқув фаолияти натижалари: - ўтиш даври зарурлиги сабабларини санайдилар; - бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини айтиб, уларга мисол келтирадилар; -ўтиш даврининг энг таниқли моделлари нусхаларини таҳлил қиладилар; - “Ўзбек модели”нинг хусусиятларини аниқлайдилар ва моҳиятларини тушунтирадилар.	
Мустақил тайёрланиш учун топшириқлар: 1- топшириқ: Маъруза материалларини ўзлаштириш; тавсия этилган адабиётни ўқиб, конспект қилиш 2- топшириқ: Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари тўғрисида маълумот йиғиш.	

Назорат шакиллари: Оғзаки назорат савол – жавоб шакли	Максималл балл 0,5 Амалий балл	Ўқитувчи имзоси.
---	-----------------------------------	------------------

Маъруза машғулотидаги докладлар мавзуси.

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарурлиги, асосий йўллари ва хусусиятлари.
2. Швеция, Туркия, Жанубий Корея, Америка моделларининг хусусияти.
3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси, “Ўзбек модели”.
4. Республикада бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари .
5. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислох этишнинг асосий устувор вазифалари.

Мисол ва масалалар.

1. Бозор муносабатларига ўтиш даврида Россияда даромадлар дифференциациясининг оптимал чегаралари бузилди. 10% энг бой оилалар пул даромади билан 10% - энг камбағал оилаларнинг пул даромади ўртасидаги фарк 1996 йил январь-ноябрида 12,6 бароварни ташкил этди. Бу давр давомида камбағаллик чизиғи ортида 32,3 млн. киши ёки Россия аҳолисининг 22% и яшайди.

Бу ҳолатда турли ижтимоий гуруҳлар даромади даражасидаги катта фаркни йўқотиш учун солиқ тизимининг ролини ошириш керак.

Юқорида келтирилган фикрда норматив ва позитив таҳлил элементларини топинг.

2. Нима учун давлат кўпгина саноатнинг янги тармоқларига молиявий ёрдам беради, баъзида эса тўлиқ молиялаштиради?

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

I. 1. Ўтиш даврининг зарурлиги нимада?

2. Ўтиш даври давомийлигининг узун ёки қисқалиги нималарга боғлиқ?

3. Ўтиш даврининг жаҳон тажрибасида синалган қандай йўллари бор?

II. 1. Нима учун Швеция моделида ижтимоий ҳимоя устун туради?

2. Туркиянинг иқтисодий ривожланишига нималар сабаб бўлди?

3. Жанубий Кореянинг қандай тажрибаларини қўллаш мумкин?

4. Эркинлик, демократиянинг ўзи Американинг иқтисодий тараққиёти

учун етарли бўлганми?

III. 1. “Ўзбек модели”нинг моҳияти нимада?

2. Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинди?

3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш принципининг мазмуни нимада?

IV. 1. Республикада қандай ислохотларни ўтказиш кўзда тутилган?

2. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлатнинг етакчилик фаолияти нимада?

3. Президентимизнинг қайси асрларида бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси баён этилган?

Баҳолар мезони ва кўрсаткичлар жадвали

Доклад қилувчилар	Докладдаги маълумотнинг тўлиқлиги	Ахборотнинг янгилиги	Ахборотни тасвирлашда воситаларнинг ишлатилиши	Регламент	Жами
	60%	15%	15%	10%	
1					
2					
3					

Опонентлар	Докладга қилинган қўшимчалар	Мунозарада қатнашганлиги	Саволлар	Жами
------------	------------------------------	--------------------------	----------	------

	40%	20%	Микдори	Сифати	
1					
2					
3					
4					
5					
.....					
12					

Дискуссия қатнашчилари	Саволлар (0,1 ҳар бири учун)	Мақсадлилиги (0, 3)	Қўшимчалар (0,2 ҳар бири учун)	Жами
1				
2				
3				
4				